

Мавжуда Тошпўлатовна ГУЛАМОВА,
Бухоро давлат тиббиёт институти
кимё фанлари номзоди, доцент
gulamovamavjuda@mail.ru

КУМУШХОНАВИЙНИНГ ВАЛИЙЛИК ВА УНИНГ ДАРАЖАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҒОЯЛАРИ

ИДЕИ КУМУШХОНАВИ О ПОНЯТИИ “АЛ-ВАЛА” И ЕГО СТЕПЕНИ

KUMUSHKHANAVI'S IDEAS ABOUT “AL-WALA” AND ITS LEVELS

Аннотация: Мақолада нақибандия таълимоти давомчиси Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавийнинг (1813-1893) валийлик ва унинг даражалари тушунчасини фалсафий мазмунига эътибор қаратилган. Кумушхонавийнинг “Валийлар ва тариқатларда усул” асарида авлиёлар мартаба ва даражалари: “Қутб”, “Нуқабо”, “Нужабо”, “Абдол”, “Автод”, “Имомайн”, “Умано”, “Мажзуб” деб таснифлаганлиги, бу авлиёларнинг вазифалари, зоҳирий ва ботиний хислатлари, шунингдек ҳар бир хислатларидаги зоҳирий ва ботиний ҳоллари муаллиф томонидан ўрганилганлиги ёритилган.

Калим сўзлар: Аллоҳ таоло, Қуръони карим, ҳадиси шариф, валий, авлиё, нақибандий, тариқат, қутб, нужабо, абдол, автод, имомайн, умано, нуқабо, мажзуб.

Аннотация: Статья посвящена философскому содержанию понятие «ал-вала» и его степень преемником доктрины Накибанди Ахмадом Зияуддином Кумушханаби (1813-1893). В своем труде «Валии и метод тарикат» Кумушханаби классифицирует степени и уровни авлия на «Қутб», «Нукаба», «Нуджаба», «Абдол», «Автод», «Имамайн», «Умано», «Мажзуб», обязанности, внешние и внутренние качества этих святых, а также внешние и внутренние аспекты каждого из их атрибутов изучаются автором.

Ключевые слова: Великий Аллах, священный Коран, хадис шариф, вали, авлия, накибанди, тарикат, қутб, нуджаб, абдол, автод, имамайн, умано, нукабо, мажзуб.

Resume: The article is devoted to the philosophical content of the concepts of “al-wala” and its levels by the

successor of the Naqshbandi doctrine, Ahmad Ziyuddin Kumushkhanawi (1813-1893). In his work “Wali and Methods in Tariqat” Kumushkhanawi classifies the degrees and levels of Awliya into “Qutb”, “Nukabo”, “Nudjabo”, “Abdol”, “Avtod”, “Imamain”, “Umano”, “Majzub”, duties, the external and internal qualities of these awliyas, as well as the external and internal aspects of each of their attributes, are studied by the author.

Keywords: Allah, the Holy Quran, Hadith Sharif, Wali, Awliya, Naqshbandi, Tariqat, Qutb, Nujab, Abdol, Avtod, Imam, Umano, Nukabo, Majzub.

КИРИШ

Инсонни камолот сари етаклайдиган ҳар қандай таълимот ўз йўналиши, ўз тартиб-қондаси ва ўз тамойилларига асосланади. Ҳар бир жамият ўз олдига етук, ҳар томонлама камолга етган, ўзида бутун ижобий, олийжаноб хислатларни тўплаган баркамол авлодни тарбиялашни орзу қилади. Шунинг учун комил инсон ғояси ўтмишимизнинг узок-узок даврларига бориб тақалади. Таъкидлаш жоизки, маънавий мерос ҳозирги глобаллашув даврида инсониятни турли маънавий хуруж, оммавий маданият, руҳий қашшоқликдан асрашнинг асосий восталаридан бири ҳисобланади. Маънавий мероснинг энг самарали таъсир этувчи қисми нақшбандия тасаввуфи таълимотидир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бухорои шарифда Баҳоуддин Нақшбанд [3:63] томонидан асосланган, ислом олами микёсида шуҳрат қозонган, асарлари бутун дунёда машҳур бўлган, Қуръони карим ва ҳадиси шарифга асосланган Нақшбандия таълимоти, жаҳон илм-фани, маданияти, тараққиёти, ривожига маънавий мерос бўлиб хизмат қилмоқда [8:65].

Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий Нақшбандия таълимотини дунё бўйлаб тарқалишига сабабчи бўлган “Силсилаи шариф” “олтин занжир”да 32 - ҳалқанинг пири муршиди ҳисобландилар. Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий ҳижрий 1228 (милодий 1813) йилда Рум диёри ҳозирги Туркиянинг Кумушхона шаҳрининг “Амирлар” маҳалласида дунёга келган, аждодлари Бухорои Шарифдан бўлган [5:302].

Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий беш ёшида ўқишни бошлаб, саккиз ёшида Қуръони каримни ёд олиб, хофизли Қуръон бўлган,

“Далоили хайрот”, “Қасидаи Бурда” ва “Ҳизбул Аъзам” каби китобларни қироат қилишга устозлардан рухсат олган. Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий томонидан тасаввуф, ҳадис, фикҳ, сарф, наҳв ва бошқа мавзуларда араб тилида 60 га яқин асарлар ёзилган [7:28].

Бу таълимот маънавий меросининг қимматбаҳо инжуларидан бири Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавийнинг “Валийлар ва тариқатларда усул” китобидир [9:138].

Мақолада мазкур асардаги валийлик ва унинг даражалари ҳақидаги ғояларни таҳлил этиш мақсад қилиб қўйилган.

Авлиё арабча валий сўзининг кўплиги, истилоҳда эса, имкон қадар Аллоҳ таолога яқин одам - тасаввуфда Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, унинг буюрганларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи дунё лаззати ва шаҳвоний ишларидан юз ўгиручи доимий равишда Роббисининг зикрида бўлувчи зот “валий” дейилган [6:36].

Тасаввуфда валий тушунчасини илк бор ўртага қўйиб, сўфийларнинг долзарб мавзусига айлантирган Ҳаким Термизий бўлиб, бу мавзуда “Хатмул авлиё” номли машҳур асарини ёзган. Ҳаким Термизий ўз асарида пайғамбарларнинг бир-биридан устунликлари бўлганидек, валийлар орасида ҳам даражалар бор, деб таъкидлайди. Валийларнинг энг устуни хотамул авлиёдир. Термизийнинг фикрича, “валоят байроғини қўлида тутган хотамул авлиё, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа пайғамбарларни шафоат қилиши каби авлиёларни ҳам шафоат қилиш ҳуқуқига эга. Ўша пайт валийлар унинг орқасида, набийлар эса, олдида бўладилар” деган фикрларни ёзган [2:103].

Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд 22 йил Ҳаким Термизий руҳига таважжух этиб, ундан тарбия олган, шунингдек Ҳакимия тариқатининг валийлик ва қаромат ҳақидаги ғояларини ўрганган.

Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавийнинг шу мавзуга бағишланган “Валийлар ва тариқатларда усул” китоби (2004) ҳозирги кунда Истанбул қутубхонасида сақланган бўлиб, Сайфиддин Сайфуллоҳ томонидан таржима қилинган ҳамда “Тасаввуф ва нақшбандийлик” (манбалар ва ҳикматлар) китобига киритилган.

Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавийнинг “Валийлар ва тариқатларда усул” китобини

таҳлил этиш натижасида бу муборак зот авлиёлар мартаба ва даражаларини қуйидагиларга таснифлаганлигини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ: “Қутб”, “Нуқабо”, “Нужабо”, “Абдол”, “Автод”, “Имомайн”, “Умано”, “Мажзуб”. Мазкур мартабалардаги авлиёларнинг вазифалари, зоҳирий ва ботиний хислатлари, шунингдек ҳар бир хислатларидаги зоҳирий ва ботиний ҳолларини кўрсатиб ўтган.

Ҳужвирий “Кашф-ул мажзуб” асарида 4000 рижолул ғайб-яширин, бир-бирини танитайдиган валийлар, 300 ахёр, 40 абдол, 7 аброр, 4 автод, 3 нуқаба, бирта қутб ёки ғавс борлиги ҳақидаги маълумотни келтиради [10:213].

Ҳаким Термизийнинг валийлик масалаларига бағишланган “Хатм ул-авлиё” асарида ёзилишича, авлиёларнинг ҳам хатми ва муҳри бўлади. Муҳр авлиёнинг мукамаллигидан далолат беради, лекин ҳамма авлиё ҳам бу даражага етган эмас. Валийларнинг ўзлари ҳам маълум поғоналарда туришлари билан фарқланадилар. Аллома уларнинг олийсини “Қутб” деган ном билан юритади. Ана шу қутб даражасига етган авлиёларнинг хатми ўтказилиши ва муҳри бўлганлигини таъкидлайди [2:103].

Ҳаким Термизий валийликни валояти омма (барча мўминлар учун хос) ва валояти хосса (Ҳақ васлида фано ва бақо мақомига етганларга хос)га ажратади.

Ҳаким Термизий хос авлиёларнинг табақавий босқичларини яхлит тизим сифатида келтириб ўтган. Унга қўра, авлиёлар қуйидаги даражаларга бўлинади:

1. Қутб - тасаввуф шайхларига бериладиган энг олий унвон.
2. Ғавс - бу ҳам қутб каби бўлиб, ёрдам берувчи деган маънони билдиради.
3. Абдол - ғойиб кишилар тоифасидан бўлиб, ўзлари халқ ичра бўлсаларда, уларнинг абдол эканликларини ҳеч ким билмайди.
4. Автод - бу сўзнинг луғавий маъноси “қозиклар”дир. Улар ҳам абдол каби зотлардир.
5. Нужабо - олий зот авлиёларки, улар фақат инсонлар манфаатини кўзлайдилар.
6. Нуқабо - бундай авлиёлар одамларнинг сирларидан воқиф бўладилар [4:27].

Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавий асарида “Қутб” ва бошқа валийларнинг таъриф ва касб (маслак)лари ҳақида сўз юритилганда, ҳар бир

жамоанинг маънавий буюги (пешвоси) ўша жамоанинг кутби экани айtilган. Шунингдек, барча комиллик хислатларини ўзида жамлаган ва «Ғавс» деб аталган кутб эса, ҳар бир даврда ягона бўлиб, у Ғавс ул-Аъзам ҳисобланган [9:139].

Кутб арабча буюк сўфий, ўша даврнинг энг юқори босқичидаги шайхи, мукамал инсон ҳисобланган. Кутб даражасидаги авлиёлар ўзларининг мавжуд бўлган барча хатоларини енгиб, тинчлик йўлида хизмат қиладиган, шариат, тариқат ва ҳақиқатни тўлиқ эгаллаган, қалбини хоҳиш ва истакларидан поклаган ва кучли иродага эга инсонлар бўлганлар. Кутб авлиёлар куйидагича даражаланади: Кутбдан юқорироқ “Кутб - ул актоб”, “Кутб –ул иршод”, улардан юқорилари “Кутб – ул акбар”, охиригисини Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам мартабалари деб олий авлиё дейилади [1:394].

Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавий “Ғавс”ни Кутби аъзам деб тарифлайди. Бундай инсонларни улуг бир шахс, муборак бир зот эканлигини таъкидлайди. Муҳим ва сирли мушкулларни ҳал этишга мажбур бўлган инсонлар унга эҳтиёж сезганлар. Ғавс табаррукан восита қилинади ва ундан дуо сўралади. Зеро, унинг дуолари асло рад этилмайди, қабул бўлади. Кутби аъзам Аллоҳга қасам ичса, Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) даврларида Увайс Қаранийнинг қасам ичгани каби қасамида ёлғончи бўлмайди, яъни қасамига каффорат лозим бўлмайди.

Юқорида келтирилган сифатлар мавжуд бўлмаган киши кутб бўлолмайди. Кишилар бирор муаммоси туфайли унга таважжуҳ этганлари, ундан дуо ва ҳиммат кутганлари учун ҳам у Ғавс (арз-додни тингловчи) деб аталган. Ғавсият мақомига эришган зот жамоанинг ичида доим Аллоҳнинг назарида турадиган кишидир. Аллоҳ таоло унга ладун (ғайб) илмидан жуда катта ҳисса бергандир. У қўлида коинотга етадиган файз тарозиси билан руҳнинг жасадга айлангани каби турли макон ва нарсанинг зоҳири ва ботинида айланади. Унинг файзи илмига, илми эса, Ҳақнинг илмига тобе (боғлиқ)дир. Ҳақнинг илми эса, мақсаднинг ўз ҳисобланади [9:143].

“Нуқабо” деб номланган валийлар уч юз нафар бўлиб, Аллоҳнинг дўстлардир. Бу валийлар ботин исми шарифининг тажаллиси

орқали инсонларнинг қалбларидан огоҳ бўлиб, уни ошкор қилади. Аллоҳнинг изни билан инсонларнинг кўнглидаги нарсаларини билади, ботинларини тараққий эттириш учун кўнгилларини пинҳона йиғилиб қолган ёмонликлардан поклайдилар. Бу кишилар нафснинг яширин ёмонликларини ошкор қилади, қалбларни маънавий кирлардан тозалайди [9:145].

Бундай шахсларнинг тўрт зоҳирий ва олти ботиний, жами ўн хислати мавжуд.

Нуқабо даражасидаги валийларнинг зоҳирий хислатлари: 1) Кўп ибодат қиладилар; 2) Зухд йўлида (доимий ибодатда) ги тақводордирлар; 3) Хоҳиш-иродаларини Аллоҳнинг хоҳиш-иродасига топширганлар, яъни ундан келган ҳар нарсага розидирлар; 4) Нафслари билан жуда каттиқ курашда бўладилар.

Уларнинг ботиний хислатлари: 1) Доимо тавба ва истиғфорда бўладилар; 2) Ўтмишдаги хатолардан ҳамиша афсус-надоматда бўладилар; 3) Ҳар доим нафсларини сўроққа тутадилар; 4) Тафаккур аҳлидирлар. Доим Ҳақни ўйлайдилар; 5) Қуръони карим ва суннати набавийга каттиқ боғланган бўладилар; 6) Риёзат аҳлидирлар. Нафсларининг ипини доим қўлларида ушлаб туриш учун турли жонбозликларга қўл урадилар. Унинг ҳийла-найрангларидан бир лаҳза бўлса ҳам ғофил қолмаслик учун доим мужодала (кураш)дадирлар [9:139].

Нуқабо деб аталган ушбу уч юз нафар улуг зотлар ҳам уч гуруҳга бўлинади:

1. Нафсларини буюкликка йўналтирганлар. Булар ҳақоиқи амрия (амр оламидаги ҳақиқатлар)га юз бурганлар.

2. Нафсларини оддийлик, соддаликка йўналтирганлар. Булар ҳақоиқи халқия (яратилиш ҳақиқатлари)га юз бурганлар.

3. Нафсларини ўрта йўлга йўналтирганлар. Булар эса, ҳақоиқи инсония (инсоний ҳақиқатлар)га юз бурганлар.

Мазкур уч гуруҳга мисол бўлганларнинг ҳар бирида бир қанча сирли илоҳий омонатлар бор. Уларнинг ҳеч қайси бири бу омонатларга асло хиёнат қилмайди [9:146].

“Нужабо” деб, аталган валийлар қирқ нафардир. Уларнинг сонини етмиш деганлар ҳам бор. Улар барча яратилганларнинг юкларини ташиб, ғамларини кетказишга ҳаракат қиладилар. Аллоҳ таолодан бошқасига

кўз тикмайдилар. Уларнинг ҳам тўрт зоҳирий ва тўрт ботиний, жами саккиз хислати мавжуд.

Нужабо валийларнинг зоҳирий хислатлари:

1) Сахий кишилар бўлиб, ҳамма нарсаларини халққа беришдан завқланадилар; 2) Мутавозе (хокисор, камтар)дирлар; 3) Одоб ва тарбияга жиддий эътибор қиладилар; 4) Тоат ва ибодатга ўта берилган бўладилар.

Уларнинг ботиний хислатлари: 1) Ўта сабрлидирлар; 2) Ҳар ҳолатда қадарга (такдирга) рози бўладилар; 3) Ўз ҳолатларига доимо шукур қиладилар; 4) Ҳаёли кишилардир.

Нужабонинг “Чилтан”лар ҳам дейдилар. Чилтан номини олган мазкур Аллоҳ дўстларининг ҳаммаси ахлоқи карима (юксак ахлоқ) соҳиби бўлиб, ирфон (диний ҳақиқат ва сирлар)ни билган кимсалардир [9:140].

“Абдол” (Будало) номини олган валийлар етти нафардир. Улар фазилат, камол, истиқомат, карам ва эътидол (мулойим, юмшоқ феъл) аҳли бўлган кишилардир. Ёмон фикр ва ҳаёдан узоқдирлар. Бу шахсларнинг тўрт зоҳирий ва тўрт ботиний, жами саккиз хислати бор.

Абдол валийларнинг зоҳирий хислатлари: 1) Кам гапириб, кўп тафаккур қиладилар; 2) Эрта турадилар, кам ухлаб, кечанинг кўп қисмини ибодат билан ўтказадилар; 3) Оз ейдилар, очликка сабот билан сабр қилувчилардир; 4) Узлат аҳлидирлар, яъни халқдан узоқ, Ҳаққа яқиндирлар.

Абдол валийларнинг ботиний хислатлари: 1) Ҳақдан ўзгасига юз бурмайдиган тажарруд аҳлидирлар; 2) Бирлик сирга эришган тафрид аҳлидирлар; 3) Ҳақни Ҳақда топган жамъ аҳлидирлар; 4) Тавҳиднинг сирга эришган тавҳид аҳлидирлар.

Турган жойида жасад ва суратини қолдириб сафар қилмоқ, бир вақтнинг ўзида бир неча жойларда кўринмоқ абдолларнинг хислатларидандир. Уларнинг мақоми Иброҳим алайҳиссаломнинг қалби устидадир.

Абдолларнинг бири қолган олти кишига имомдир. Барчаси унга бўйсунадилар ва амрини бажарадилар. У имом олти кишининг қутбидир. “Абдоллар қирқ етти кишидан иборат бўлади”, деганлар ҳам бор. Улар нужаболар билан қўшиб айтган бўлишлари ҳам мумкин. Бу қирқ етти кишилик валийлар жамоаси Ахёр дейилади. Абдол гуруҳида бўлгани каби бошқа валийлар гуруҳининг ичида ҳам бир имом бўлади. Айни пайтда у имом ўз гуруҳининг қутби ҳисобланади (валлоху аълам) [9:141].

“Автод” деб аталган Аллоҳ дўстлари тўрт кишидир. Жойлари шарқ, ғарб, шимол, жануб бўлиб, дунёнинг тўрт фаркли бурчагидадирлар. Уларнинг ҳам тўртта зоҳирий ва тўртта ботиний, жами саккиз хусусияти бор.

Автод валийларнинг зоҳирий хислатлари: 1) Аксарият кунларда рўздор бўладилар; 2) Бедордирлар, яъни кечаларни уйқусиз бўлиб, ибодат билан ўтказадилар; 3) Илоҳий амрларга қаттиқ боғланган бўладилар. 4) Туни бўйи тонгга қадар Аллоҳга ёлвориб чиқувчилардир.

Уларнинг ботиний хислатлари: 1) Аллоҳга эътимод (ишонч, имон)лари мустаҳкам, ҳақиқий маънода таваккул соҳибларидир; 2) Барча ишларини Аллоҳга ҳавола этувчилардир; 3) Ҳар бир ишда амин (ишончли) бўлиб, хиёнатни билмайдилар; 4) Саломлашишга аҳамият берадилар.

Автодлардан бири уларнинг қутбидир.

“Автод” “ватад”нинг кўплик шакли бўлиб, “мих” ёки “қозик” демақдир. Коинотни тутиб турган қозикларга ўхшаш бўлганликлари учун уларга шундай ном берилган [9:142].

“Имомайн” икки киши бўлиб, бири қутбнинг ўнг томонида, иккинчиси чап томонида бўлади. Қутбнинг ўнгидаги имом малакут олами, яъни руҳоният оламига қарайди. Унинг вужуди қутбият марказидан руҳоният оламига йўналган нарсаларга ойнадир. Чапидаги имом эса, мулк олами (моддий олам) га қарайди. Унинг вужуди қутбият марказидан жисмоният (моддият) оламига йўналган нарсаларга ойнадир.

Ўнгидаги имом айна пайтда қутбнинг халифаси, яъни унинг номзодидир. Ҳар икки имомнинг тўрт зоҳирий ва тўрт ботиний, жами саккиз хусусияти бор.

Имомайн валийларнинг зоҳирий хислатлари: 1) Зухд ва тақво соҳибидирлар; 2) Ҳаромнинг кичигидан ҳам, каттасидан ҳам жиддий сақланадилар; 3) Амри маъруф (Аллоҳ таоло амрлари)ни ёядилар; 4) Наҳий мункар (Аллоҳ таоло қайтарган нарсалар)дан қайтарадилар.

Уларнинг ботиний хислатлари: 1) Садоқат; 2) Ихлос; 3) Ҳаё; 4) Мувоқабат билан Аллоҳнинг кўриб турганини ҳис қилиб, унга тамоман таслим бўлганидан [9:143].

“Умано” (Аминлар) маломийлар (маломатийлар) тоифасидир (Маломий - бир пайтда зоҳири халқ билан, ботини Ҳақ билан бўлган кимсадир). Маломий саналган умано

шундай кишиларки, ичларидаги комилликни зоҳирларига чиқармайдилар. Ҳаммаси ҳам футувват аҳли (сахий)дирлар. Дунё ва модиятни севмайдилар.

Маломийлик сахийлик ва тўғрилик билан бўлади. Улар ҳоллари ва амалларидан бирор кимса хабардор бўлишини истамайдилар. Ҳазина каби доим сирли қолишни лозим кўрадилар [9:145].

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, валийлар учун яна тўрт мақом бордир. Бу мақомлар:

1) Нубувват халифалиги мақоми; 2) Рисолат халифалиги мақоми;

3) Улул азм халифалиги мақоми; 4) Улул асфие халифалиги мақоми.

Булардан нубувват халифалиги мақоми олимларга хос. Рисолат халифалиги мақоми абдол бўлган валийларга хос. Улул азм халифалиги мақоми автодга хос. Улул асфие халифалиги мақоми Қутб ул-ақтобга хосдир.

Демак, валийлардан бир қисми ворислик (йўли) орқали набийлар мақоми оламида, бир қисми расуллар мақоми оламида, бир қисми улул азмлар мақоми оламида ва бир қисми эса улул асфие мақоми оламидадир [9:146].

“Мажзуб”нинг Аллоҳ таоло наздидаги ўрни (мақоми) бир гўдакнинг она кўкрагидаги ўрни каbidир. Кўкракдаги болага онанинг шафқатли тасарруфи қандай бўлса, Аллоҳ таолонинг мажзубга бўлган тасарруфи ҳам шундайдир. Аллоҳ ўз шафқати ила тўлдирган илоҳий тарбия кучоғида мажзубга рубубияти (тарбиякунандалиги)нинг аломати саналган карам “сут”ини ичиради, у билан уни боқади. Шунинг учун ҳам улар Аллоҳ таоло наздида бола каbidирлар. Аллоҳ таоло улар ҳақидаги бир ҳадиси қудсийда бундай марҳамат қилади: “Мажзублар иродамининг тарбия кучоғида карамимизнинг сутини ичадилар”.

Мажзублар дўстлик мақомидадир. Уларнинг ҳоли сўқирнинг йўл юришига ўхшайдики, кўринишидан босган жойини кўролмайдиган, қаерга борганини билмайдиган кўр, ўзи хоҳлаган жойга етиб борган бўлсада, етиб борганини билмаслиги ва бошқалардан ҳам сўраб олмаслиги каbidир. Зеро, кўзи ожиз одам саҳрода йўлни билмайдиган бирор нотаниш билан ҳамроҳ бўлмайди. Мажзублар ҳам ўзларига ҳоким бўлолмаганликлари ва абадият йўлини кўролмаганликлари сабабли охират йўловчиларидан саналиб, айни йўл

сирини билмайдиганлар учун ёрдамчи бўлолмаганликлари ажабланарли эмас [9:148].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки:

1. Валийлик ва унинг даражалари ҳақидаги муҳим ва қиммат баҳо манбалардан бири Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавийнинг асардир.

2. Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавий валийлик ҳақидаги ғояларида Ҳаким Термизийдан Баҳоуддин Нақшбанднинг қарашларига асосланган ва уларни ривожлантирган.

3. Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавий асарида валийларнинг 8 қисмга: “Қутб”, “Нуқабо”, “Нужабо”, “Абдол”, “Автод”, “Имомайн”, “Умано”, “Мажзуб” таснифлаган.

4. Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавийнинг валийларни таснифлашининг ўзига хослиги шундаки, у валийларни зоҳирий ва ботиний хислатлари ва ҳолларини тавсифлаган.

Умумий хулоса қилиб айтганда, Зиёуддин Аҳмад ал - Кумушхонавий асаридаги валийларга хос ахлоқ ва сифатларни ўрганиш ва шу руҳда ёшларни тарбиялаш маънавий баркамол инсонни вояга етказишликда асосий востадир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдулхусайний Зарринқўб. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: Ирфон, 1992.
2. Наврўзова Г.Н., Раҳматова Х.Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси // –Бухоро: “Техно-таsvir”, 2010.
3. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005.
4. Жуюший И.М. Ҳаким Термизийнинг “ал-Масоил ал-макнунa” асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабия, 1980.
5. Зиёуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий, таржимон Мирзо Кенжабек, Жомеъ ул-мутун. – Тошкент: Мовароуннаҳр; 2000.
6. Ислom энциклопедия – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017.
7. Гуламова М.Т. Мушқу анбар ҳидли валоят ғунчаси – Зиёуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий // Имом Бухорий сабоқлари. – Тошкент: 2020. № 2.
8. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007.
9. Сайфиддин Сайфуллоҳ Тасаввуф ва нақшбандийлик (Манбалар ва ҳикматлар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.
10. Улуғдоғ С. Хужвирий. Кашф ул-махжуб. – Истанбул, 1982.